



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK
TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

“ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI”

mavzusidagi III xalqaro ilmiy-nazariy va
amaliy anjuman materiallari



2026-yil 12-fevral





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

O‘ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI

BOBUR NOMLI XALQARO JAMOAT FONDI

**ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR
MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA
MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI**

III xalqaro ilmiy-nazariy va amaliy anjuman materiallari

Toshkent – 2026



“БОБУРНОМА”НИНГ АЙРИМ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА ON CERTAIN LINGUISTIC FEATURES OF THE “BABURNAMA”

Шеронов Бойирбой Ғозибоевич

филология фанлари номзади, доцент,

“Академик Б.Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети” ДТМ, ўзбек филологияси
факултети, ўзбек тили ва унинг таълими методикаси кафедраси мудири

boirjon.sheronov@mail.ru

DOI: 10.52773/tsuull.conf.2026./BFOI5130

Аннотация. Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарининг тил хусусиятлари, тадқиқи манбаси эканлиги, ўрганилган айрим муҳим жиҳатлари таъкидланиб, тарихий обиданинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил ва талқин этилади.

Калид сўзлар: Бобур, Бобурнома, бобуршунослик, тил, нутқ сўз.

Annotation. The article examines the features of the work “Baburnama” by Zakhiriddin Muhammad Babur, which is the source of the study, highlights some of the aspects being studied, the uniqueness of the historical monument is also analyzed and interpreted.

Keywords: Babur, Baburnama, Babur studies, language, speech, words.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари нодир тарихий обида, илмий қомуснома, тадқиқот, аниқ далиллар ва таҳиллар манбаи. Шу асар асосида юзага келган мўътабар жаҳон бобуршунослик илми, тил, адабиёт, мантик, фалсафа, тарих, жўғрофия, этика, эстетика социология ва бошқа фанларни ҳақли равишда ва адолат юзасидан қамраб олади. Бизнингча, бу буюк асар ва шахс тадқиқида илмий услубдан бир оз истисно қилишлик, бадийликка ўрин беришлик зарур бўлади. Агар фалсафий жиҳатдан ёндошилса, “Бобурнома”да Бобур келтирган далиллар, таҳлиллар кейинчалик овруполик билимни тажрибадан ахтарган Френсис Бэкон, илмни ақл маҳсули деб билган Рене Декартни ҳам ҳайратга солиши, табиийдир. Унда илм тажрибадан, тажрибадан илмга асосланган сўқмоқли йўл доншмандликни, илмий тафакурнинг ниҳоятда ёрқинлиги, бадий уфқларда кўзни жилвалантирадиган соҳирлиги, бобурий ақл уммонининг чексизлиги, у яратган давлатдан ҳам бепоён эканлигини кўрсатади, етти мўъжизанинг бири Тоғмаҳал каби қалбларни нурлантиради.

Тарихий далил: Бобур -дилбар шахс. Жавоҳиралл Неру. Бу Бобурга нисбатан айtilган ҳақиқат, ёхуд М. Замахшарий таъбири билан айtilганда “қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас”. Лисоний жиҳатдан ўхшатиш, бадий жиҳатдан ташбиҳ - йўлбарс янглиғ қудратли инсон ва, айна пайтда ниҳоятда гўзал шахс.



Шаклий жабҳада “бобур” сўзи кучли, шафқатсиз тасаввур этиладиган йўлбасрга нисбатланган сиймода бетакрор гўзаллик ва айни пайтда, ҳалимлик ҳам мужассалашган. Бу ҳол тил бирликларида воқеланаётган мазмуний-шаклий номутаносиблик (асимметрия) тамойилига бориб тақалади. Бу танҳо Бобур шахсияти, маънавияти, бетакрор фазилатлари феноменида бўлиши мумкин.

Бобур шахсияти ва ҳаётий фаолияти Анна Флора Стилнинг «Тож кийган дарвиш», Уилям Эрскиннинг «Бобур ва Эрон», Румер Годеннинг «Гулбадан», Вилям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори» ва Фриц Вюртленинг «Бобур – йўлбарс» («Андижон шахзодаси») асарларида мавзу доирасида таҳлилга тортилди. Бу асарларда гарчи асосий тарихий воқелик манбаси «Бобурнома» материаллари бўлса-да, улардан ҳар бир ижодкор ўз илмий-бадий маҳорати, дунёқариши ва имконияти даражасида фойдаланган. Улар асарларида асосий эътиборни Бобурнинг шахсиятини очиб беришга, унинг ҳукмдорлик фаолияти ва ўзига хос характерини яратишга ҳаракат қилган [Сулаймонов 2020,16]. Мирзо Ғолибнинг «Меҳри нимрўз», Эйжи Манонинг тўрт жилдлик тадқиқотлари: «Бобурнома»нинг илмий-танқидий матни; «Бобурнома»нинг япон тилидаги таржимаси; «Бобурнома: кўрсаткичлар, шарҳлар» ва «Бобур ва унинг даври» китоблари борлигини қайд этиш жоиздир. Муҳими, Бобур шахсияти бор вужуди, борлиги билан улуғланган ва унга лойиқ ҳамдир, Бобур сиймоси тарих саҳнасида муҳрланган мақоми ва мавқеи ёритилган. Бобур эзгуликка йўғрилган сиймо нурбахшдир, Бобур -шахс тақдири, Бобур бир бутун, доврукли авлод -қисмати, Бобур –теран дунёқараш, Бобур-тил зарғари, “Бобурнома” –тарих чироғи, Бобур шахс ва шахсият, Бобур –ибрат намунаси, “Бобурнома” –ҳикмат, адолат ва маърифат чашмаси. Бу битикларни лисоний жиҳатдан Бобур парадигмасида моддийлашаган синтагматик муносабатлар, деб изоҳлаймиз. Бу ҳол адабий тилда Ф.де Соссюрнинг тил ва нутқ дихотомиясида лисоний ва нутқий бирликлар воқеланишига ойдинлик киритади.

Бобуршунослик дунё илмига айланди, унинг серқирра томонлари кашф этиш аллақачон бошланган ва давом этмоқда. Айтайлик, Бобур асарлари тилининг ўзига хослиги нимада?! Намфсиламрда айтганда, унинг савқитабийлигидадир. “Бобурнома” насрда ёзилган назм, ёки назмнинг насрий жўшқинлигини жилвалантирган дурдона, ипга тизилган марварид мисол тарихий ёдгорлик. Бундай дейишлик жуда содда, жўн, юзаки тавсиф, шунчаки, унинг жилоланган жозибаторлигининг бир кўриниши, холос. Ҳазрат Алишер Навоий “Хамса”сида “Низомий панжасига панжа урмоқлик”ка журъат этиб, шиддат билан ёзган бўлса, Бобур ҳазратлари тилнинг равонлигини, оҳангдорлигини форсий тароват билан безайди, арабча сўзлар билан нақшлантиради. Сўзлар соддаликдан ифор таратади, унга бадийлик суви юритилганда заррин нурларидан, бурро-буро

айтилган калом нурафшон бўлади, лафзда латифлик, маънида илмийлик қалқиб чиқади. Эрта тонгда офтоб оламга ёруғлик бахш этади: “Бобурнома” шундай вақтнинг лаҳза-лаҳзасини аниқ ҳисоблайди, сўзлар ортикчаликни хуш кўрмайди. Бу ҳолни кейинчалик француз олими Пол Пасси “тил ортикчаликдан чекланиб, ҳамма вақт тежамлилиқка интилади”, - дея шарҳлаган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “ўлчовларни бил, бу билимдир”, деб, кескин ва қатъий уқтиради. Олима С.Шодмонова шу аснода тўғри йўл тутган: Яъни, “ўлчов бирликлари лексемаларидан бири вақт ўлчови лексемасидир. Пайт отларининг синтагматик имкониятлари вақт ўлчов бирликлари лексемалари: сутка қисмлари, ҳафта номлари, ой номлари, фасл номлари лексик-семантик гуруҳларида батафсил кўрсатилади. Масалан, сутка қисмларини ифодаловчи кун, тонг, сахар, азон, бомдод, чошгоҳ, туш, пешин, аср, шом, хуфтон, тун каби лексемаларнинг синтагматик имкониятлари, аввало, уларнинг семантик мундарижасига боғлиқ бўлади. Масалан, “Бобурнома” матнида: Намози пешинда Хожа Муҳаммад Алининг ўтоғида шурб мажлиси бўлди”, вақт ўлчов бирликларидан бири сутка қисминини ифодаловчи пешин лексемаси вақтни аниқлаб, намози лексемаси билан боғланиб семантик жиҳатидан вақтга аниқлик киритяпти” [Шодмонова 2022, 23]. Бу - биринчидан, иккинчидан вақт ўлчов бирликларининг синтагматик валентлиги бундай лексемалар билан чегараланмайди. Чунончи, “Тенгри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан сешанбе куни рамозон ойининг бешида тарих саккиз юз тўқсон тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум” [Бобур, 1989]. Бизнингча, тадқиқот шу матн билан зийнатланса, янада мукамалроқ бўларди. Тенгри таоло, сарвари коинот, чаҳорёри босафо, рамозон ойи, ўн икки ёш (ўн икки ой) ўртасида бир йил, тўрт фасл, бир ой, ўн икки ой, дейтик кўрсаткичли сарвари олам орқали ягона яздон бирлиги туфайли воқе бўлаётганлиги ва ўн икки ёшда подшоҳ тахтга ўтирганлиги вақт занжирида аниқ ўлчов асосида зухур топганлиги синоатлар сирасида, яъни тилшуносликда тилсимли- импликацияга берилиб, тил қонуниятларига бўйсундирилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабий тили тараққиётида порлоқ йўлни танлади. Ҳазрат Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн”идан илҳомланган кўринади. Бир сўзни англамоққа икки тилни ёнма-ён, елкама –елка қўяди. “Масал борким, “Қопудағини қопмаса, қаригунча қайгурур”. Байт:

Корҳоро ба вақт бояд жуст,
Кори бе вақт суст бошад, суст.

Яъни, ишлар ўз вақтида бажарилиши керак: вақтида бажарилмаган иш суст бўлади, суст дейди. Ёхуд “Андижонга бўла, Самарқандни иликдин



бердук. Андижон ҳам “иликдин чикмиш эди”, дейиш баробарида “Бизга “Ғофил аз инжо ронда ва аз онжо монда” (“Ғофил бу ердан қувилағн, у ердан ажралған”) дегандек бўлдиқ, дея афсус чекади [Бобур, 1989,5] .

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари тили лексикасида асл туркий сўзлар билан бир қаторда, форс-тожик ва араб лексик қатламлари ҳам маълум салмоқга эга эканлиги амалга оширилган тадқиқотларда ўз исботини топган. Бобуршунос Х.Назарова ўз тадқиқотларида шоир асарларида 167та форс-тожик ва 26 та араб аниқловчили бирикмалар қўлланганлигига аниқлик киритган. Жумладан, «Бобурнома»да учрайдиган арабча аниқловчили бирикмалар қуйидагича амал қилади: а) ой номлари: рабиул-охир, рабиул-аввал; б) киши номлари ва тахаллусларида: Абдулкарим, Низомулмулк; в) асарлар номлари: «Ғаройибус-сиғар», «Наводируш-шабоб», «Бадойиул-васат», «Фавоидул-кибар» «Наводируш-шабоб», «Мизонул-авзон»; [Назарова, 1979, 32] .

Бобур табиат бағрида, табиатдан ажралмаганлиги, у билан тиллашганлиги, оҳори тўкилмаган сўз орқали мусаввирона тасвири, тил нуқтаи назаридан топоним ва антропонимларга тушган назари уларни тадқиқотлар манбасига айлантирди. Мана, Хужанд тасвири : ”Яна бири Хўжанддур. Андижонда ғарб сориға йигирма беш йиғоч йўлдур. Хўжанддин Самарқанд ҳам йигирма беш йиғоч йўлдур, қадим шаҳарлардиндур. Шайх Муслиҳиддин ва Хожа Камол Хўжандтиндурлар” [Бобур, 1989,9]. Жой ва шахс номлари тўғри келтирилган, тез-тез Хўжанд номи урғу остига олинади: ” Хўжанддин, Хўжанд суйи, Хўжанд ҳам, Хўжандқа, Хўжандға, Хўжандтин, Хўжанд (мухтасар ередур) ... каби. “Андин Хўжандқа келдим. Менинг онамни ва улуғ онамни ва баъзи менинг била қолғонларнинг кўчлари била Хўжандқа менинг қошимга йибордилар. Ул рамозонни Хўжанддта ўтқарилди [Бобур, 1989,52] . Хўжанд сўзи такрор – такрор қўлланилади, лисоний жиҳатдан такрордан фойдаланади, унинг коммуникатив прагматик қиймати шундадир.

“Бобурнома”да антропонимлар шахс ва шахсият, тавсиф ва тавсифномасининг мўъжаз қомуси. Бу Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис”ни эслатади. Бобурнома” матнида Султон Аҳмадхон ҳақида шундай дейилади: “Султон Маҳмудхондин кичик Султон Аҳмадхон эдиким, Олачахонға машҳурдир. Олачахон (олачанинг важҳи тасмияси мунини дерларким, қилмоқ ва мўғул тили била ўлтургучини олачи дерлар). Қалмоқни неча қатла босиб, қалин кишисин қирғон учун олачи де-де касрати истиъмол била Олача бўлубтур” Муаллифнинг маълумотиға кўра, Султон Маҳмудхоннинг укаси Султон Аҳмадхон бўлиб, у Бобур хизматдаги хонлардан бири бўлган. “Бобурнинг тоғаси Юнусхоннинг иккинчи ўғли. Замондошлари Олачахонни кичик хон акаси Султон Маҳмудхонни эса улуғ хон ҳам деганлар. Шайбоний ўзбеклари Олачахонни Ўлжахон деб аташган. Бобур унинг қалмоқлар ва бошқа қабилалар устидан кетма-кет ғолиб

бўлгани учун “Олочихон” (Ўлдиргувчи хон) деб аталгани ва бу лақаб халқ оғзидан Олачахонга айланиб кетганини ёзган” [Мўминова, 2021, 23].

Антропонимлар психологик жиҳатдан тавсифи матн қисмларининг коммуниктив —мантқий қисмлар (А.Р.Лурия) ажратилаганлиги билан диққатга сазовордир. “Яна бир Али Мазидбек қавчин эди, икки қатла ёғий бўлди: бир мартаба Ахсида, яна бир мартаба Тошкандда. Мунофиқ ва фосиқ ва ҳаромнамак ва ярамас киши эди” [Мўминова, 2021, 41]. Тасвир исканжасидаги фавқуллода бу ҳолни овруполик бобуршунос У.Эрскин қуйидагича шарҳлайди: «Бобур бирор шахс ҳақида сўз юритадиган бўлса, унинг шакл-шамойили, кийиниши, диди, одатларини шундай ҳаққоний тафсилотлар билан тасвирлаб берадики, биз худди бу одамни ҳаётда кўргандай, у билан бирга яшагандай бўламиз» [Ҳошимова, Тошкент, 2018].

Оталари ҳақида ўта самимий такаллуф билан ёзади :“Чун Умаршайх мирзо баланд ҳимматлик ва улуғ донялик подшоҳ эрди...Равон саводи бор эди. “Ҳамсатайн” ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эди. Аксар “Шоҳнома” ўқур эди. Табъи назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди. Бисёр саховати бор эди.Хулқи дағи саховатича бор эди, хуш хулқ, ҳарриф, фосиқ ва ширин забон киши эди, шужоъ ва мардона киши эди” [Бобур, 9,10].Отадаги мунтазам мутаоалаа, навоийхонлик, аждодлар тарихини эъзозлаш, юксак маънавиятга ифтихорлик туйғусидан руҳланди, руҳлантиради. “Шоҳнома” безавол асар, бизда нашр этилиб, кенг оммага тарқатилганлиги, бежиз эмас.

Мақолада қуйилган масала такрордек кўринади, лекин Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросига нисбатан у ҳамма замонларда ўз қийматини йўқотмаслиги, муқаррар.Тожикистонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва асарлари навоийшунос олим проф. Э.Шодиев томонидан ўрганилган ва ҳозирда изланишлар давом этмоқда, унинг тожик-форс тилидан фойдаланиш маҳорати, унга эҳтиром масаласи келгусида тадқиқ этиладиган долзарб масалардан бири бўлиб қолади.

Адабиётлар:

1. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад.Бобурнома.[Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев; Муҳаррир А.Ўктам.-Т.: Юлдузча, 1989.
- 2.Мўминова М.О. “Бобурнома” матнини таржималарида антропоним ва топонимларнинг лингвокултурологик хусусиятлари. (“Бобурнома”матнининг инглизча таржималари мисолида) Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Самарқанд – 2021 .
3. Назарова. Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV-начало XVIвека. Ташкент: Фан, 1979.
- 4.Сулаймонов И.И. “Бобурнома”да ғолиб ва мағлуб шахс руҳий ҳолатининг



бадий тасвири. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд– 2020.

5. Ҳошимова Д.М. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи (Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018.

6. Шодмонова С.А.Б. “Бобурнома” матнининг инглизча таржималарида ўчов бирликлари лексемаларининг лингвокултурологик ва прагматик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд – 2022.